

Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг Қуръонни Убай ибн Каъбга ўқиб берганлари 21-боб



15:00 / 28.12.2020 1438

Фақиҳ Абу Лайс раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам Убай ибн Каъбга Қуръонни ўқиб берганлари ривоят қилинган. Уламоларнинг баъзилари Расулulloҳ инсонларга тавозеъни ўргатиш учун Қуръонни унга ўқиб бердилар, бирорта киши таълим олиш, ўқиш билан ўзидан пастроқ кишиларга кибр қилмаслиги учун, дейишади. Баъзилар эса, балки Убай ибн Каъб Набийсоллаллоҳу алайҳи вассалламнинг сўзларини тез илғаб олгани учун унга ўқиб берган эдилар, дейди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам Қуръонни унга ўқиб бериш билан Убай ибн Каъб сўзларини олишини ва уни ўзларидан эшитганидек ўқиб беришини, бошқаларга ўргатишини хоҳладилар.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам Убай ибн Каъбга: «Аллоҳ таоло сенга Қуръонни ўқиб беришимни буюрди», дедилар. У: «Аллоҳ менинг номимни айтдими?» деб сўради. Расулulloҳ: «Ҳа», дедилар. Шунда у йиғлади».

Ривоят қилинадикки: Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам унга: «Лам якуниллазийна кафару»ни ўқидилар ва: «Аллоҳ сенга «Лам якуниллазийна

кафару»ни ўқиб беришимни буюрди», дедилар.

Убай розияллоҳу анҳунинг йиғлашлари шундай неъматга муносиб кўрилганларига хурсандчиликларидан ва ўзларини кичкина тутганларидандир. Ушбу неъмат икки важҳдан.

Биринчиси: у зотнинг номлари очиқ айтилиб тайин қилиниши.

Иккинчиси: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг у зотга ўқиб беришлари. Бу иш буюк даража бўлиб, инсонлардан бирортаси у зотга шерик бўлолмади.

Яна айтишларича, Убай ибн Каъб бу неъматнинг шукрини адо этолмай қолишдан қўрқиб йиғлаганлар. Убайга бу суранинг ўқиб берилишига сабаб, у қисқа бўлса-да, ҳамма усул, қоида ва муҳим нарсаларни ўзида жамлангандир. Ўшандаги ҳолат қисқаликни тақозо қиларди.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳга бу сурани Убайга ўқиб беришга буюришидаги ҳикмат эса, Убайга Қуръон лафзларини, оҳангларини, тўхташ жойларини билдиришдир. Чунки Қуръон оҳанги шариат тузиб қўйган услубга биноандир. Оҳангининг ҳар зарбида нафслар таъсири бордир.

Ва яна айтиладики, Қуръонни моҳир, улуғ ҳофизларга ўқиб бериш, шариат илмларини олишда тавозеъли бўлиш лозим, гарчи насабда, динда, фазилатда, мартабада, шуҳратда ва бошқа нарсаларда ўзидан паст бўлса ҳам.

Убайга бу суранинг ўқиб берилишига сабаб, у қисқа бўлса-да, ҳамма усул, қоида ва муҳим нарсаларни ўзида жамлангандир. Ўшандаги ҳолат қисқаликни тақозо қиларди.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳга бу сурани Убайга ўқиб беришга буюришидаги ҳикмат эса, Убайга Қуръон лафзларини, оҳангларини, тўхташ жойларини билдиришдир. Чунки Қуръон оҳанги шариат тузиб қўйган услубга биноандир. Оҳангининг ҳар зарбида нафслар таъсири бордир.

Ва яна айтиладики, Қуръонни моҳир, улуғ ҳофизларга ўқиб бериш, шариат илмларини олишда тавозеъли бўлиш лозим, гарчи насабда, динда, фазилатда, мартабада, шуҳратда ва бошқа нарсаларда ўзидан паст бўлса ҳам.

«Бўстонул Орифийн» китобидан